

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

АТАБАЕВА МАЪМУРАХОН САДИРДИН ҚИЗИ

**ҒЎЗАДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ПАХТА ҲОСИЛИ
ЕТИШТИРИШДА РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎТ: 633.51:631.559

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Атабаева Маъмурахон Садирдин қизи

Фўздан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда
ресурсстежамкор технологияларни тажомиллаштириш..... 5

Атабаева Маъмурахон Садирдин қизи

Совершенствование ресурсосберегающих технологий при
возделывании высокого и качественного урожая хлопка-сырца..... 21

Atabayeva Ma'murakhon Sadirdin qizi

Improvement of resource-saving technologies for production of high-
quality cotton yields..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

АТАБАЕВА МАЪМУРАХОН САДИРДИН ҚИЗИ

**ҒЎЗАДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ПАХТА ҲОСИЛИ
ЕТИШТИРИШДА РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида B2018.4.PhD/Qx327 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанова Феруза Маруфовна қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Саломов Шавкат Турапович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
	Тўхтакўзиев Абдусалом техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақами Илмий кенгашнинг «_____» 2019 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ботаника М.Ф.Й. ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e-mail: piim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани Ботаника М.Ф.Й. ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги _____ рақами реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

М.А.Авлиёқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби в.б., қ.х.ф.д., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида бугунги кунда тупроққа минимал ишлов берилб, экин етишириш 100 млн. гектардан ортиқ майдонларда қўлланилмоқда, «...тупроққа ишлов беришнинг комбинацион тизими кенг қамровли тадбирдир. Бу усул унумдорлиги ҳар хил бўлган тупроқларда самарадордир, айниқса гўнг солинган майдонларда (NPK баланси юқори бўлганда)»¹. Анъянавий технологияларга нисбатан тупроққа минимал ишлов бериш нафақат энергоресурстежамкор шу билан бирга тупроқни муҳофаза қилувчи технологиядир. Тупроққа ишлов беришда бир вақтнинг ўзида бир нечта операцияларни бажарадиган техника воситалардан фойдаланиб, минимал ишлов бериш технологиялари Канада, АҚШ, Германия, Россия, Хинди斯顿, Австралия ва бошқа мамлакатларда кенг қўлланилмоқда.

Дунёда тупроққа минимал ишлов беришда комбинацион техника воситаларининг тупроқ унумдорлигини сақлашга, тупроқнинг зичланишини олдини олишга, эрозия жараёнларини камайтиришга, маъдан ўғитлардан самарали фойдаланишнинг илмий асосланган технологияларини қўллаган ҳолда эртаки, юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини бермоқда. Шунинг учун, тупроқни химояловчи энергоресурстежовчи технологияларни ва техник воситаларни ғўза ва унинг мажмуудаги экинларни парваришлашда тупроққа минимал ишлов беришни кўллаш масаласини ишлаб чиқиши ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Республиканинг турли тупроқ-икклим ва экстремал шароитларига мос яратилган янги серҳосил ғўза навларини парваришлашнинг мақбул агротехнологияларини тадбиқ этиш бўйича турли самарали тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилганига асосланиб қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор минимал тупроққа ишлов бериш технологияларини ишлаб чиқиши, сув, минерал ўғитлар ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ–3281 сон «2018 йилда қишлоқ хўжалик экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорида, 2017 йил 13 декабрдаги ПҚ-3432-сонли «Қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш, соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан

¹<https://cyberleninka.ru/article/n/melkaya-i-kombinirovannaya-obrabotka-pochvy-v-sevooborote-s-razlichnymi-vidami-para>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони

ютуқлари ва инновацион янгиликларни тизимли жорий этиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаизда тупроққа асосий ишлов бериш усуллари бўйича С.Н.Рыжов, А.Қ.Қашқаров, В.П.Кондратюк, Ю.А.Погосов, Л.П.Мякишев, С.Сайдумаров, О.Махмудов, А.Тўхтакўзиев, Р.И.Байметов, Ф.Ҳасанова, Ш.Саломов, А.Ҳайдаров, И.Карабаев ва бошқалар турли тупроқ-иклим шароитларида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бироқ, тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини, яъни замонавий комбинацион агрегат ёрдамида тупроққа 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш ва пушта остига азотли ўғитларни қўллашнинг мақбул меъерини аниқлаб, самарадорлигини ўрганиш ҳамда ушбу технологиянинг тупроқ агрофизикавий, агрокимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг лойиҳасига мувофиқ «Истиқболли ғўза навларининг ўтлоқи тупроқ шароитида навбатлаб экиш далаларида озиқа режимини ўрганиш» (2015-2017 й.), ҚҲА-7-016 «Андижон вилояти тупроқ-иклим шароитида тупроққа асосий ишлов беришнинг янги комбинацияли ишлов бериш агротехнологиясида ғўзани озиқлантириш ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 й) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроққа янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла ҳосил қилинган пушта остига ўғит қўллаш технологиясининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ғўзанинг Андижон-36 навини турли усулларда экиб, ундан юқори ва эртаки ҳосил етиштиришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ерга ресурстежамкор комбинацион агрегат билан ишлов беришни, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

³ <https://lex.uz>; <https://www.uzscience.uz>

ресурсстежамкор комбинацион агрегат билан тупроққа ишлов бериш усулига боғлиқ ҳолда чигитларнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш;

тупроққа янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берип, Андижон-36 ғўза навини якка қатор ҳамда қўшқатор экиш усули ва мақбул меъёрларда минерал ўғитларни қўллаш ҳамда муддатини аниқлаш;

ресурсстежамкор агрегат орқали ишлов берип, якка қатор ҳамда қўшқатор усулда экишнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири ҳамда парваришлишнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида оч тусли бўз тупроқлар, ресурстежамкор агротехнология, комбинацион агрегат, экиш тизими, суюқ аммиак, ғўзанинг Андижон-36 нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети ресурстежамкор технологиялар, янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш, ғўза экишнинг мақбул тизими ва азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини 50% ни суюқ аммиак ҳолда пушта остига қўллашнинг тупроқ унумдорлиги, ғўзанинг ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотни ўтказишда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизикавий таҳлилларида «Тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш», «Ўрта Осиёда тупроқ ва ўсимликларнинг агрокимёвий таҳлили услублари», «Агрофизик тадқиқотлар услублари» ҳамда олинган маълумотларнинг математик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг “Дала тажрибалари услублари” қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроққа асосий ишлов беришда ресурстежамкор комбинацион агрегат билан ишлов бериш агротехнологияси ишлаб чиқилган;

комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берип, бир йўла ҳосил қилинган пушта остига азотни суюқ аммиак шаклида қўллашнинг тупроқ агрофизик ва агрокимёвий хоссалари ўзгаришига таъсири аниқланган;

комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилгандан сўнг чигитни якка қатор ва қўшқатор усулида пуштага экиш ҳамда азотни суюқ аммиак шаклида қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

ресурсстежамкор комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берип, пуштага турли экиш усувлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларига боғлиқ ҳолда ғўзани ўсиши, ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсири ҳамда иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берип, бир йўла пушта олинниб, пушта остига азотнинг йиллик меъёрини 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўлланилган майдонларда намликтининг узоқ сақланиши ва тупроқдаги ҳароратни мақбул шароитда бўлиши натижасида чигитларнинг эрта униб чиқишини тезлашганлиги аниқланган;

комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, чигитларни якка қатор ва қўшқатор усулида экиб, азотнинг йиллик меъёрини 50 фоизи суюқ аммиак шаклида кузда пушта остига, қолган 50 фоизи ғўзанинг амал даври мобайнида аммиакли селитра (гранула) шаклида табақалаштирилган ҳолда қўлланилган вариантда назорат вариантга нисбатан тупроқнинг ҳажм массаси $0,006 \text{ г}/\text{см}^3$ гача камайиши, ғоваклиги 1,1 фоизгача ортиши, тупроқнинг сув ўтказувчанилиги $21,3 \text{ м}^3/\text{га}$ гача кўп бўлганлиги аниқланган;

Андижон-36 ғўза навини якка қатор ҳамда қўшқатор усулида парваришлишда тупроққа ишлов беришнинг янги ресурстежамкор агротехнологияси қўлланилганда пахта ҳосили 37,9 ва 40,4 ц/га ни ташкил этиб, назорат вариантларга нисбатан қўшимча пахта ҳосили 4,1-5,9 ц/га гача, соф фойда 1127,7-1569,3 минг сўмгача, рентабеллик даражаси эса 29,1-38,8 % бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларининг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳолангани ва тадқиқот натижалари, янги ресурстежамкор агротехнологиялари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида Андижон-36 ғўза навидан эртаки, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда тупроққа ресурстежамкор технологияни, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўлланилганда тупроқ агрофизик ва агрокимёвий хоссаларининг яхшиланганлиги, пировардида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашига ижобий таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнология, яъни ўтмишдош экиннинг пуштасини комбинацион агрегат ёрдамида 30-35 см ишлов бериб, бир йўла пушта олиш агротехнологиясининг жорий этилиши натижасида анъанавий усулда ишлов беришга нисбатан ЁММ сарфининг қисқариши, ишчи кучи сарфининг камайиши, чигит униб чиқиши тезлашиши, натижада эртаки ва юқори ҳосил етиштириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнологияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон втлоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда тупроққа ишлов беришнинг

ресурсстежамкор агротехнологиясини ишлаб чиқиши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун «Ғўздан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ресурстежамкор технологиянинг самарадорлиги» бўйича тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1506-сон маълумотномаси). Ушбу тавсия Андижон вилоятининг қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳамда фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг фойдаланилган;

тупроқка ишлов беришнинг ресурстежамкор комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла кузда пушта олиниб, пушта остига азотли ўғитни йиллик меъёрининг (200 кг/га) 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўллаш агротехнологияси Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманида 148,9 гектар ҳамда Пахтаобод туманида 173,9 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1506-сон маълумотномаси). Натижада Андижон-36 ғўза навини ўсув даврида фосфор ва калий табақалаштирилган ҳолда азотни қолган 50 фоиз миқдори билан озиқлантирилганда 4,3-4,5 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, ғўза парваришлашнинг ресурстежамкор агротехнологияси Андижон вилоятининг Асака туманида 6,0 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/020-1506-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида мўл пахта ҳосили етиштирилиб, рентабеллик даражаси 17,3 фоиздан 21,5 фоизга ортганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ҚҲООТИИЧМ ҳамда ТошДАУ Андижон филиали томонидан тузилган маҳсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ҳисоботлар ТошДАУ Андижон филиалининг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида 5 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 сахифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда обьект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг

ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, аprobацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тупроққа турли хил ишлов беришнинг унинг унумдорлик кўрсаткичларига ҳамда ғўзанинг ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири борасида олиб борилган илмий ишларнинг шарҳи» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар юзасидан маълумотлар келтирилган бўлиб, тупроқ унумдорлигини инобатга олинган ҳолда ишлов бериш усуллари, турли экиш усуллари ва тизимларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири, ғўза навларини озиқлантириш меъёрлари, суюқ аммиакнинг таъсири ҳамда кўчат қалинликлари бўйича қўплаб тадқиқотчиларнинг олиб борган ишлари, маҳаллий ва хорижий олимларнинг маълумотлари баён қилинган. Адабиётлар шарҳининг хуласа қисмида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида, ғўздан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун тупроққа ишлов бериш агротехнологияларини такомиллаштириш, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш усулини қўллаб тупроқ унумдорлигини, агрофизик ва агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш, экиш тизимлари, ўғитлашнинг муддат ва меъёрларини илмий асослаб, ишлаб чиқаришга тавсия қилиш ва янги ресурстежамкор агротехнологияни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган худуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада экилган нав тавсифи, шунингдек тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Фаргона водийсининг Андижон вилоятида ёз нисбий мўътадил бўлиб, ўртача ҳаво ҳарорати $25-26^{\circ}\text{C}$ ни, нисбий намлиги эса $30-40\%$ ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган. Ёзда булатли кунлар $25-28\%$, ни йиллик ёғин миқдорининг $10-15\%$ ни ташкил этиб, ғўза ўсимлиги учун фойдали ҳарорат йиғиндиси 1 апрелдан 20 октябргacha 2286°C гача бўлади.

Тадқиқотлар ўтказилган объектнинг иқлим шароити Андижон об-ҳаво марказий метеостанцияси кўрсаткичлари билан белгиланади. Тадқиқотлар ўтказилган барча йилларида ғўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланиши ҳамда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш учун қулай ҳаво ҳарорати кузатилганлиги баён этилган.

Дала тажрибалари Андижон вилояти Кўронтепа тумани «Давр ҳамкорлиги» фермер хўжалигига олиб борилганлиги, тажриба даласи эскидан суғориладиган оч тусли бўз, механик таркиби ўртача қумоқ, сизот сувлари $4,0-5,0$ метр чукурликда жойлашган тупроқлар шароитида, гумус ва ялпи азот миқдори тегишли равишда $0,8-0,9$ ва $0,05-0,09\%$ ни ташкил этиши қайд қилинган.


Тупроққа асосий ишлов бериш усулларининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза

хосилдорлигига таъсири бўйича тажриба б та вариантдан иборат бўлиб, 4 та қайтариқда тажрибалар олиб борилган. Бир вариантнинг умумий майдони 720 м², шундан ҳисобга олинадиган майдон 360 м² ни ташкил этган. Чигит экиш усувлари, кўчат қалинликлари ва азотни суюқ аммиак шаклида озиқлантиришнинг ғўзанинг Андижон-36 нави ўсиш-ривожланишига ва хосилдорлигига таъсири бўйича тажрибалар олиб борилган.

Тадқиқот ўтказиш давомида тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий НРК И.М.Мальцева ва П.П.Гриценко, тупроқнинг механик таркиби М.Братчевнинг гексаметафосфат натрий билан ишлов берилиб, пипетка усулида аниқланган. Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида, сув ўтказувчанлиги Долгов усулида, умумий ғоваклик Н.А Качинский усулида, суғориш олди тупроқ намлиги С.Н.Рыжовнинг термостат–тарози усули ёрдамида аниқланган. Фенологик кузатувлар ва тупроқ ҳамда ўсимлик намуналарини олиш «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ЎзПИТИ нинг услугбий қўлланмаси асосида амалга оширилган. Тажрибанинг қайтариқлар ва варианtlар бўйича хосилдорликларини математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмасида баён қилинган кўп омилли дисперсион таҳлил услуби асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Ғўзадан юқори ва сифатли пахта хосили етиштиришда ресурстежамкор технологияларнинг тупроқ унумдорлиги, ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва хосилдорлигига таъсири» деб номланган учинчи бобида ерга асосий ишлов беришнинг турли усувларини қўллашнинг тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги, донадорлиги ҳамда ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва хосилдорлигига таъсири келтирилган.

Диссертация ишида, ерга асосий ишлов беришдан олдин тажриба майдонининг дастлабки агрофизик хусусиятларини аниқлаш бўйича ўтказилган кузатувларда тупроқнинг ҳажм массаси ҳайдов (0-30 см) қатламида 1,380 г/см³, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 1,420 г/см³ га, тупроқнинг ғоваклиги ушбу қатламларга мос равища 46,9-45,4% га тенг бўлиб, кузда ерга асосий ишлов беришни турли усувларда қўллаш натижасида ғўзанинг амал даври бошида қатламларга мос равища 1,300 - 1,330 г/см³ ни, ғоваклиги эса 50,0-48,8% га тенг бўлгани аниқланган.



1-расм. Турли усулда ишлов беришнинг тупроқ ҳажм массасига таъсири, (2015й)

Ғўзанинг амал даври охирига келиб, тупроқнинг ҳажм массаси ерга комбинацион агрегат ёрдамида ерни 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга 100 кг/га меъёрда азотни аммиак шаклида ҳамда ғўзанинг амал даври мобайнида 100 кг/га азотни аммиакли селитра (гранула) шаклида берилган вариантда экиш усулларига мос ҳолда назорат 1-2 вариантларга нисбатан ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,017-0,027 г/см³ гача, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 0,021-0,037 г/см³ гача, комбинацион агрегат ёдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга 200 кг/га меъёрда азотни аммиак шаклида берилган 3-4-вариантларга нисбатан эса кўчат қалинлигига мос равишда ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,001-0,006 г/см³ гача, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса 0,001-0,016 г/см³ гача яхшиланганлиги кузатилган (1-расм).

Ерни ресурстежамкор агротехнология билан, яъни комбинацион агрегат ёрдамида 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга 100 кг/га меъёрда азотни суюқ аммиак ҳамда ғўзанинг амал даври мобайнида 100 кг/га азотни аммиакли селитра шаклида бериб, ғўзани якка қатор ҳамда қўшқатор усулида парваришланган 5-6 вариантларда тупроқнинг ғоваклик кўрсаткичи ҳайдов (0-30 см) қатламида 48,6-48,2% ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 47,6-47,3% ни, ерга ишлов беришдан олдинги натижага нисбатан қатламлар бўйича 2,2% гача, назорат 1-2 вариантларга нисбатан 1,2% гача, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилган 3-4 вариантларга нисбатан эса 0,6% гача ғоваклик ортиб, яхшиланганлиги аниқланган.

1-жадвал


Ерга турли усулда ишлов бериб, чигитни якка ва қўшқатор экиш усулида парваришланнинг тупроқ донадорлигига таъсири, % (2015й)

Вариантлар	Қатламлар, см	Донадорлик, %	
Тупроққа ишлов беришдан кейинги ҳолат	0-30	71,1	
	30-50	69,5	
Амал даври охирида			
30-35 см чуқурликда омоч ёрдамида шудгорлаш + бороналаш+ пушта олиш (кузда) NPK 200:140:100 (Назорат)	90x10-1	0-30	69,2
		30-50	67,6
	90x(30x12)-1	0-30	68,0
		30-50	66,5
30-35 см чуқурликда янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 200+PK 140:100	90x10-1	0-30	69,8
		30-50	67,8
	90x(30x12)-1	0-30	69,3
		30-50	68,2
30-35 см чуқурликда янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 100+ NPK 100; 140:100	90x10-1	0-30	70,0
		30-50	68,6
	90x(30x12)-1	0-30	69,4
		30-50	68,3

Комбинацион агрегат ёрдамида 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга 100 кг/га меъёрда азотни суюқ аммиак ҳамда ғўзанинг амал даври мобайнида 100 кг/га азотни аммиакли селитра шаклида

қўллаб, ғўзани якка ҳамда қўшқаторда парваришиланган 5-6 варианларда тупроқнинг донадорлик (агрономик жихатдан фойдали заррачалар миқдори) кўрсаткичи ҳайдов (0-30 см) қатламида 70,0-69,4% ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 68,6-68,3% ни, назорат варианларга нисбатан 2,0% гача, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилган 3-4 варианларга нисбатан эса 1,0% гача ортиб, яхшиланган (1-жадвал).

Шунингдек, азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини 100 кг/га миқдорини суюқ аммиак шаклида қолган 100 кг/га миқдорини эса аммиакли селитра шаклида қўлланилган 5-6 варианларда амал даврининг охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги $656,2 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этиб, анъанавий усулда ишлов берилган назорат 1-2 варианларга нисбатан $199,1 \text{ м}^3/\text{га}$ гача, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилган, минерал ўғитнинг йиллик меъёридаги азот суюқ аммиак (NH_4OH) шаклида гектарига 200 кг қўлланилган 3-4 варианларга нисбатан эса $21,3 \text{ м}^3/\text{га}$ гача кўп бўлгани аниқланган (2-расм).



2-расм. Тупроққа турли усулда ишлов беришнинг унинг сув ўтказувчанлигига таъсири, $\text{м}^3/\text{га}$ (2015 й)

Диссертациянинг «Турли усулда ишлов беришнинг тупроқдаги озиқа моддалар миқдорининг ўзгаришига таъсири» деб номланган бўлимда тадқиқот натижаларига қарагандা, азотли ўғитларнинг турли шакли ва меъёрларида озиқлантирилган ғўза нави ўсув даври мобайнида турлича таъсир доирасида бўлиб, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплашида, турлича натижалар кўрсатган. Айниқса, тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясида кузда пушталар остига солинган азотли ўғитни йиллик меъёрларини суюқ аммиак (NH_4OH) шаклида солинган варианларда (3-4 ва 5-6 вар.), тупроқ таркибида ҳосил бўлган ҳаракатчан озиқа моддалар миқдори муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ғўза амал даврининг боши ва охирида тупроқ таркибидаги озиқа моддалардан гумус, умумий шаклдаги азот ва фосфор миқдорларини аниқлаш мақсадида ўтказилган таҳлил натижаларидан олинган маълумотларга қўра барча тадқиқот йилларида ҳам амал давомида тупроққа комбинацион

агрегат ёрдамида ишлов бериб, 30-35 см баландликда пушта олиш технологияси қўлланилган варианtlарда гумус, умумий шаклдаги азотли ва фосфорли озиқа моддаларнинг тўпланиши ва ўсимликлар томонидан ўзлаштириш жараёни ишлаб чиқариш шароитидаги, яъни 30-35 см га шудгорланиб, пушта олинган ва ғўзанинг амал даври мобайнида минерал ўғитлар NPK-200-140-100 кг/га меъёрларида табақалаштирилган ҳолда озиқлантирилган назорат 1-2 варианtlарга нисбатан сезиларли равишда устунлиги кузатилган.

Диссертациянинг «Тупроққа турли усулда ишлов бериш ва экишни чигитларнинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши ҳамда кўчат қалинлигига таъсири» бўлимида чигитларнинг униб чиқиш динамикаси, гуллаши, ўсиш-ривожланиши, кўчат қалинлиги кўрсаткичлари баён этилган.

Тупроққа янги комбинацияли агрегат ёрдамида ишлов берилганда (3-4 ва 5-6 вар.) вужудга келган қулай тупроқ шароити Андижон-36 ғўза нави чигитларини одатдаги ерни 30-35 см га ҳайдаб пушта олинганга (1-2 вар.) нисбатан 3-5 кун эрта униб чиқиш имконини берди. Натижада бу варианtlардаги ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тезлашиб, эртаки, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришга эришилган.

Тупроққа ресурстежамкор агротехнология орқали ишлов бериш, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, пушта остига азотни 200 кг/га миқдорда йиллик меъёрини 50% суюқ аммиак шаклида қўлланилганда (5-6 вар.) ғўзанинг Андижон-36 нави чигити эрта ва бақувват униб чиқиши натижасида ўсимлик бўйи 1 август ҳолатида 79,5-90,6 см ни ташкил қилиб, анъанавий усулда ер 30-35 см чукурликда шудгорланиб, сўнгра пушта олиш технологияси қўлланилган назорат варианtlарга (1-2 вар.) нисбатан бу кўрсаткичлар мос равишида 3,8-7,2 см гача баланд бўлганлиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал


Тупроққа ишлов беришда қўлланилган агротехнологияларнинг Андижон-36 ғўза нави ўсиши ва ривожланишига таъсири, 2015 йил

вариант т/р	Чин барги сони, дона		Ўсимлик бўйи, см		Ҳосил шохи сони, дона		Шона, дон		Кўсак сони, дона		Шу жумладан очилгани, дона
	1.06	1.06	1.07	1.08	1.07	1.08	1.07	1.08	1.08	1.09	
1	3,5	12,8	50,7	83,4	6,5	10,0	8,1	8,9	6,3	8,1	5,6
2	2,8	12,1	48,9	77,7	5,2	9,5	7,3	8,0	4,6	7,2	4,8
3	5,1	15,5	53,9	88,3	6,9	10,9	8,9	9,6	6,8	10,3	6,8
4	4,5	15,1	53,4	81,5	5,7	9,9	7,6	8,9	4,9	8,6	5,4
5	6,1	16,5	54,3	90,6	7,1	11,8	9,3	10,0	7,1	10,9	7,2
6	5,6	16,1	53,8	82,5	6,2	10,6	7,8	9,1	5,0	8,9	6,1

Тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, ҳосил бўлган пушталар остига азотни йиллик меъёрини 50 % ни суюқ аммиак шаклида қўлланилиб, қолгани ғўзанинг амал даври мобайнида қўлланилиб, экишни 90x10-1 тизимида олиб борилган 5-вариантда ҳосил

шоҳлари 11,8 донагача, худди шундай усул ва минерал ўғитлар меърида, факат экиш тизими 90x(30x12)-1 ғўза парваришиланганда эса 10,6 донагача, кўсаклар сони 8,9-10,9 донагача бўлиб, анъанавий усулда ишлов берилган назорат 1-2 вариантиларга нисбатан муддатлар ҳамда экиш тизимлари бўйича бу кўрсаткичлар мос равишда ҳосил шоҳи 0,6-1,8 донагача, кўсаклар сони эса 1,7-2,8 донагача юқори бўлганлиги кузатилган.

Комбинацион агрегат ёрдамида 35 см чуқурликда ишлов бераб, бир йўла пушта олинниб, пушта остига азотни 200 кг/га йиллик меъенинг 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қолган 50 фоизини аммиакли селитра (гранула) шаклида ғўзанинг амал даври давомида қўлланилиб, экишни 90x10-1 тизимида олиб борилган 5-вариантда ўртacha уч йилда 98,5 минг тупни, экиш тизими 90x(30x12)-1 меърида олиб борилган 6-вариантда эса 148,8 минг туп/га кўчат сонини ташкил қилгани кузатилган (3-расм).



3-расм. Андижон-36 ғўза навини кўчат қалинлигига тупроққа турли усулда ишлов беришнинг таъсири, минг туп/га, (2015-2017 й)

Комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, бир йўла пушта олинниб, пушта остига кузда азотни суюқ аммиак шаклида 100 кг/га меъерда қўлланилиб, қолган миқдорини ғўзанинг амал даври давомида аммиакли селитра шаклида берилган, эрта баҳорда чигит 90x10-1 (якка қатор) тизимида экилган 5-вариантда ғўзанинг кўчат қалинлиги шу тизимда экилган бошқа вариантиларга нисбатан ўртacha уч йилда 0,3-2,8 минг тупгача, экиш 90x(30x12)-1 (қўш қатор) тизимда ўтказилган 6-вариантда шу тизимда экилган бошқа вариантиларга нисбатан эса 1,2-5,9 минг туп/га гача кўп бўлганлиги аниқланган.

Тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш технологиясида кузда пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъенинг 100 ҳамда 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўллаб озиқлантирилган вариантилардаги (3-4 ва 5-6 вар.) ўсимликларнинг хар бирида ўртacha 31,9- 41,9 донагача барг ҳосил бўлиб, барг сатҳи эса 2279,7-1795,5 см² ни ташкил этди. Бу вариантиларда ўсимликларнинг барг сатҳи ҳисобланганда гектар ҳисобига 21196,2-26981,3 м² ҳосил қилгани кузатилган.

Шунингдек, бу вариантилардаги паст бўйли ўсимликларда нисбатан кичик ҳажмдаги майдароқ барглар шаклланган бўлсада, кўчатлар ҳисобига барг сатҳи

назорат вариантига нисбатан 2825,6-3089,9 м² гача қўп бўлган барг юзасини ҳосил қилиб, ўсимлик томонидан тупроқ намлиги, озиқа, қуёш ҳарорати ва ёруғликдан фойдаланишнинг юқори даражада таъминланган микро иқлим шароитини вужудга келтирган.

Кузда ерни 30-35 см чуқурлиқда шудгорлаб, сўнг бороналаш тадбирлари ўтказилиб, кейин пушта олинган вариантда тракторларнинг ресурстежамкор агротехнологияга нисбатан 3-4 марта қўпроқ кириши натижасида тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсир этиб, ҳосилдорлик ўртacha уч йилда 33,8-34,5 центнерни ташкил этгани кузатилган.

Тупроқка ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологияси қўлланилиб, яъни янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, бир йўла пушта олиб, 200 кг/га азотни йиллик меъёрининг 50 фоизини ҳосил бўлган пушталар остига суюқ аммиак шаклида ҳамда азотнинг қолган 50 фоиз меъёрини ўсув даврида аммиакли селитра шаклида табақалаб озиқлантириш ўтказилган 5-6 вариантларда Андижон-36 ғўза нави пахта ҳосилдорлиги 37,9-40,4 ц/га ни ташкил этиб, азотни суюқ аммиак шаклида юқори меъёрда озиқлантириш ўтказилган вариантларга нисбатан 1,7-2,2 ц/га гача юқори бўлиши ҳамда иқтисодий жиҳатдан самаралилиги аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Тупроққа турли усулда ишлов беришнинг Андижон-36 ғўза навининг ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2015-2017 йй)

T/p	Тупроққа ишлов бериш усули	Экиш тизими	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўртacha 3 йиллик	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га	
1	30-35 см чуқурлиқда омоч ёрдамида шудгорлаш + бороналаш+ пушта олиш (кузда) NPK 200; 140:100 (Назорат)	90x10-1	34,1	33,2	34,1	33,8		
2		90x(30x12)-1	34,9	33,9	34,6	34,8		
3	30-35 см чуқурлиқда янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 200+ PK 140:100	90x10-1	37,0	35,9	35,7	36,2	2,4	
4		90x(30x12)-1	38,8	37,3	38,5	39,2	4,4	
5	30-35 см чуқурлиқда янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 100+ NPK 100; 140:100	90x10-1	39,4	37,0	37,3	37,9	4,1	
6		90x(30x12)-1	40,7	39,2	41,3	40,4	5,9	
2015 йил - Sd=0,19 ц/га; HCP ₀₅ =0,4 ц/га; HCP ₀₅ =1,07%; Sd=0,14 ц/га; HCP ₀₅ (A)=0,29 ц/га; HCP ₀₅ =0,77%; Sd=0,11 ц/га; HCP ₀₅ (B)=0,23 ц/га; HCP ₀₅ =0,61%								
2016 йил - Sd=0,38 ц/га; HCP ₀₅ =0,8 ц/га; HCP ₀₅ =2,22%; Sd=0,27 ц/га; HCP ₀₅ (A)=0,57 ц/га; HCP ₀₅ =1,58%; Sd=0,22 ц/га; HCP ₀₅ (B)=0,46 ц/га; HCP ₀₅ =1,29%								
2017 йил - Sd=0,39 ц/га; HCP ₀₅ =0,82 ц/га; HCP ₀₅ =2,23%; Sd=0,28 ц/га; HCP ₀₅ (A)=0,59 ц/га; HCP ₀₅ =1,6%; Sd=0,23 ц/га; HCP ₀₅ (B)=0,48 ц/га; HCP ₀₅ =1,32%								

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тупроққа янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилиб, кузда пушталар остига азотнинг йиллик меъёрини аммиак шаклида 100 % қўллаб, парвариш қилинганга нисбатан пушталар остига суюқ аммиак шаклида 50 % қўллаб, қолган меъёрини ғўзанинг амал даври мобайнида озиқлантирилган вариантларда қулай тупроқ шароити вужудга келиши туфайли эртаки, юқори ва сифатли пахта ҳосили етишириш имконияти яратилган.

Диссертациянинг «Тупроққа турли усулда ишлов беришнинг Андижон-36 ғўза навини етиширишнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган

тўртинчи бобда етиштирилган пахта ҳосилини турли усулда тупроққа ишлов бериш ҳамда экишни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологиясидан, янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, бир йўла кузда пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъёрини 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўлланилиб, қолган 50 фоиз миқдорини Андижон-36 гўза навини амал даври мобайнида табақалаштирилган ҳолда аммиакли селитра шаклида берилган, чигитларини пушталарга якка қатор ҳамда қўшқатор усулда экилган вариантда (5-6 вар.) пахта ҳосили 37,9-40,4 ц/га ни ташкил этиб, тупроққа анъанавий усулда 30-35 см чуқурлиқда шудгор ўтказилиб, сўнг пушта олинган назорат варианtlарга нисбатан (1-2 вар.) 4,1-5,9 ц/га гача қўшимча ҳосил олиниб, энг юқори иқтисодий даромад олинди. Бу варианtlардан олинган соф даромад 2079,1-2793,7 минг сўмни, рентабеллик даражаси 52,3-68,4 фоизни ташкил этиб, тупроққа анъанавий усулда 30-35 см чуқурлиқда шудгорлаб, пушта олинган назорат варианtlарга нисбатан соф фойда 1127,7-1569,3 минг сўмгача, рентабеллик даражаси эса 29,1-38,8 фоизгача юқори бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

Тупроққа комбинацион усулда ишлов беришда гўза ҳосилдорлигининг иқтисодий самарадорлиги, 2015-2017 й.

Тупроққа ишлов бериш усуллари	Экиш усуллари	Ҳосил-дорлик, ц/га	Сотиша и тушган маблаг, сўм	Харажатлар, сўм			Соф фойда, сўм	Рента беллик, %
				Жами ҳаражатлар, сўм	Терим пули, сўм	Минера л ўғит, сўм		
30-35 см чуқурлиқда омоч ёрдамида шудгорлаш + бороналаш+ пушта олиш (кузда) NPK 200; 140; 100 (Назорат)	90x10-1	33,8	5094866,7	4143439,7	286550,0	602666,7	951427,0	23,2
	90x(30x12)-1	34,5	5373233,3	4148773,0	291883,3	602666,7	1224460,3	29,6
30-35 см чуқурлиқда янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 200+NPK 140:100	90x10-1	36,2	5094866,7	3947589,7	305700,0	387666,7	1798477,0	46,2
	90x(30x12)-1	38,2	5373233,3	4065089,7	323200,0	387666,7	2145710,3	52,2
30-35 см чуқурлиқда янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, пушта олиш (кузда) суюқ аммиак 100+NPK 100:140:100	90x10-1	37,9	6146900,0	4067789,7	318400,0	495166,7	2079110,3	52,3
	90x(30x12)-1	40,4	6885766,7	4092039,7	342650,0	495166,7	2793727,0	68,4

Хулоса қилиб айтганда, уч йиллик тадқиқот натижаларига кўра Андижон-36 гўза навини парваришлишда тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологиясидан фойдаланиш, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бераб, бир йўла пушталар остига азот йиллик меъёрининг 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қолган 50 фоиз миқдорини ғўзанинг амал даври мобайнида табақалаштирилган ҳолда қўллаш, чигитларни пушталарга якка қатор ҳамда қўшқатор усулида ғўзани парваришилаш ресурстежамкор агротехнологияси иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш шароитларида ўтказилган тажрибалар» деб номланган бешинчи бобида Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитидаги Андижон туманида жойлашган “Шамшидин Ниёз” фермер хўжалиги майдонида олиб борилган тадқиқотнинг якуний натижалари келтирилган.

Бу амалий тажрибада тупроққа ишлов беришнинг анъанавий усули, яъни 30-35 см чуқурликда шудгорлаш, бороналаш каби агротехник тадбирлар ўтказилгандан сўнг пушта олиб, ғўзанинг амал даври мобайнида азот йиллик (200 кг/га) меъёрининг аммиакли селитра (NH_4NO_3) билан озиқлантирилган ҳамда ресурстежамкор агротехнология, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиб, азот йиллик меъёрининг 50 фоизини (100 кг/га) суюқ аммиак (NH_4OH) шаклида қолган 50 фоиз миқдорини ғўзанинг амал даври мобайнида қўллаб ғўзани парваришилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Тупроққа ишлов беришда ресурстежамкор агротехнологиялардан фойдаланиб, яъни комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилиб, бир йўла кузда пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъёрини 50 % и суюқ аммиак шаклида (100 кг/га) қўлланилган 4 вариантда Андижон-36 ғўза навининг пахта ҳосили 40,6 ц/га ни ташкил этди. Ёки ерии анъанавий усулда 30-35 см чуқурликда шудгорланган, сўнг пушта олинган назорат 2-вариантга нисбатан 8,5 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилди. Бу вариантда жами пахта ҳосилининг 90 % 1-теримда терилиб, ҳаммаси I-саноат навига сотилди. 1-терим пахта ҳосилининг салмоғи 1-назорат вариантга нисбатан 12,5 ц/га юқори бўлди. Шунингдек, 3-вариантда пахта ҳосили гектарига 4 вариантга нисбатан 4,2 ц/га камайиб, 36,4 ц/га ташкил этди. Ерии одатдаги 30-35 см ҳайдаб, пушта олинган (1 вар.) назорат вариантга нисбатан эса 4,3 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, тупроққа ишлов беришнинг янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологияси ишлаб чиқариш шароитида ҳам Андижон-36 ғўза навини парваришилаш агротехникасида бошқа технологияларга нисбатан энг юқори натижалар кўрсатиб, иқтисодий жиҳатдан юқори самарали технология эканлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тупроққа комбинацион агрегат ёрдамида 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга азотли ўғит йиллик меъёрининг 100 кг/га меъёрда аммиак шаклида ҳамда ғўзанинг амал даври мобайнида 100 кг/га азотни аммиакли селитра (гранула) шаклида берилган вариантда экиш усулига мос ҳолда назорат 1-2 варианtlарга нисбатан ҳайдов (0-30 см) қатламида тупроқнинг ҳажм массаси 0,017-0,027 г/см³ гача, ҳайдов ости (30-50 см) қатламда эса 0,021-0,037 г/см³ гача, комбинацион агрегат ёдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга 200 кг/га меъёрда азотни аммиак шаклида қўлланилган 3-4-вариантларда қатламларга мос равишда 0,001-0,006; 0,001-0,016 г/см³ гача яхшиланганлиги кузатилган.

2. Ерии комбинацион агрегат ёрдамида кузда 30-35 см чуқурликда ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга 100 кг/га меъёрда азотни суюқ аммиак

шаклида ҳамда ғўзанинг амал даврида 100 кг/га азотни аммиакли селитра шаклида берилган 5-б-вариантларда тупроқнинг ғоваклиги қўчат қалинлигига мос ҳолда ишлов беришдан олдинги ҳолатга нисбатан қатламлар бўйича 1,7-2,2% гача, назорат 1-2 вариантларга нисбатан 0,4-0,5 % гача ортиб, яхшиланганлиги аниқланди.

3. Комбинацион агрегат ёдамида ишлов бериб, бир йўла пушта олиш билан бирга азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 50 фоиз микдорини суюқ аммиак шаклида қолган 50 фоиз микдорини эса аммиакли селитра шаклида қўлланилган 5-6 вариантларда амал даврининг охирида сув ўтказувчанлик 656,2 м³/га ни ташкил этиб, анъанавий усулда ишлов берилган назорат 1-2 вариантларга нисбатан 199,1 м³/га гача, комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилган, минерал ўғитнинг йиллик меъёридаги азотни гектарига 200 кг суюқ аммиак (NH_4OH) шаклида қўлланилган 3-4 вариантларга нисбатан эса 21,3 м³/га гача кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

4. Тупроқка комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериш агротехнологиясининг ижобий таъсирида барча йилларида ҳам гумус, умумий шаклдаги азотли ва фосфорли озиқа моддалар айниқса, кузда пушталар остига азот йиллик меъёрининг 50 % ни суюқ аммиак ҳолда қўлланилган, қолган 50 % ни аммиакли селитра ҳолда табақалаб ғўзанинг амал даврида берилган 5-6 вариантларда амал даврининг бошланишидаги микдорларга нисбатан гумус микдорлари ҳайдов (0-30 см) қатламда 0,002 - 0,007 % гача ортиб борди.

5. Тупроқка янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилган вариантлардаги (3-4 ва 5-6 вар.) вужудга келган қулай тупроқ шароити Андижон-36 ғўза нави чигитларини одатдаги ерни 30-35 см га ҳайдаб, пушта олинган варианта (1-2 вар.) нисбатан 3-5 кун эрта униб чиқиши имконини берди.

6. Тупроқка ишлов беришнинг янги ресурстежамкор агротехнологияси, яъни кузда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушта олиб, бир йўла пушта остига азотли ўғитни йиллик 200 кг/га микдордаги меъёрини, 100 ҳамда 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўлланилган ва пушталарга чигитларни якка қатор ҳамда кўшқатор экиш усулида экилган (3-4 ва 5-6 вар.) вариантларида янги ресурстежамкор агротехнологиянинг ва суюқ аммиакнинг ижобий ҳусусиятлари туфайли 118-123 кун ичидаги пахта ҳосили тўлиқ 100 % пишиб етилди. Бу эса назорат, анъанавий усулда тупроқка ишлов берилган, (шудгорлаш+ бороналаш+ пушта олиш) азот йиллик меъёрини ғўзанинг амал даври мобайнида аммиакли селитра шакли (NH_4NO_3) билан озиқлантирилган вариантларга нисбатан 4-5 кун эрта пишиб етилганлиги кузатилди.

7. Кузда комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъёрини 100 ҳамда 50 фоиз микдорини суюқ аммиак шаклида қўллаб, пушталарга чигитни кўшқатор усулда экилган 4-6 вариантларда кўшимча пахта ҳосили 3,2 ва 3,4 ц/га ни ташкил этиб, аммиакнинг иккита меъёрларида ҳам ўзаро катта фарқлар кузатилмади. Демак, тупроқка ишлов беришнинг янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов бериб, кузда пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъёрининг 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўллаб, азотнинг қолган 50 фоиз меъёрини ўсув даври

мобайнида аммиакли селитра шаклида табақалаб озиқлантириш, яхши натижа берганлиги аниқланди.

8. Янги комбинацион агрегат ёрдамида кузда 30-35 см чуқурликда ишлов берилб, бир йўла пушта олиш билан бирга 100 кг/га меъёрда азотни суюқ аммиак шаклида ҳамда ғўзанинг амал даврида 100 кг/га азотни аммиакли селитра шаклида берилган вариантда тола чиқиши ва тола пишиқлиги анъанавий усулида ишлов берилган вариантга нисбатан яхшиланганлиги кузатилди.

9. Тупроққа ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологиясидан, янги комбинацион агрегат ёрдамида ишлов берилб, бир йўла кузда пушталар остига азотни 200 кг/га йиллик меъёрини 50 фоизини суюқ аммиак шаклида қўлланилиб, қолган 50 фоиз миқдорини ғўзанинг амал даври мобайнида табақалаштирилган ҳолда аммиакли селитра шаклида берилган, пушталарга чигитларни якка қатор ҳамда қўшқатор усулда экилган вариантларда (5-6 вар.) пахта ҳосили 37,9-40,4 ц/га ни ташкил этиб, тупроққа анъанавий усулда 30-35 см чуқурликда шудгор ўтказилиб, сўнг пушта олинган назорат вариантларга нисбатан (1-2 вар.) 4,1-5,9 ц/га гача қўшимча ҳосил олиниб, энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилди. Бу вариантдан олинган соф даромад 2079,1-2793,7 минг сўмни, рентабеллик даражаси 52,3-68,4 фоизни ташкил этиб, тупроққа анъанавий усулда 30-35 см чуқурликда шудгорлаб, пушта олинган назорат вариантга нисбатан соф фойда 1127,7-1569,3 минг сўмгача, рентабеллик даражаси эса 29,1-38,8 фоизгача юқори бўлди.

10. Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар унумдорлигини саклаш ва ошириш ҳамда Андижон-36 ғўза навидан юқори ҳосил олиш учун:

-тупроққа янги комбинацион агрегат ёрдамида 30-35 см чуқурликда ишлов берилб, бир йўла пушта остига азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини 50 фоизини суюқ аммиак шаклида, қолган 50 фоизини аммиакли селитра шаклида ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврида қўшқатор $90\times(30\times12)-1$ усулда гектарида 140-150 минг туп кўчат қолдириб қўллаш;

-тупроққа янги комбинацион агрегат билан ишлов берилиб яккақатор $90\times10-1$ экиш тизимида Андижон-36 ғўза навини гектарига 90-100 минг туп кўчат қолдириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**АНДИЖАНСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
АГРАРНОГО УНИВЕРСИТЕТА**

АТАБАЕВА МАЪМУРАХОН САДИРДИН КИЗИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ
ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ВОЗДЕЛЫВАНИИ ВЫСОКОГО И
КАЧЕСТВЕННОГО УРОЖАЯ ХЛОПКА-СЫРЦА**

06.01.01 – Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент–2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/Qx327.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Андижанском филиале Ташкентского государственного аграрного университета.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Хасанова Феруза Маруфовна**
кандидат сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Саломов Шавкат Турапович**
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный
сотрудник

Тухтакузиев Абдусалом
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный
университет**

Защита состоится «_____» 2019 года в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПТИ, НИИССАВХ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e-mail: piim@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована №____). адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПТИ. НИИССАВХ Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37.

Автореферат диссертации разослан «_____» 2019 года
(регистр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года)

Ш.Нурматов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор

М.А.Авлиякулов
И.о. учёного секретаря научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н., с.н.с.

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире на площади более 100 млн. гектар применяются технологии минимальной обработки почвы при возделывании сельскохозяйственных культур, «....комбинированная (мелкоотвальная) система обработки почвы оказалась более универсальной. Она была эффективна на почвах с разным плодородием, особенно (с положительным балансом NPK) на фоне внесения навоза»¹. Минимальная обработка почвы кроме энергоресурсосбережение является почвоохранной технологией по сравнению с существующей традиционной технологией. В развитых странах как Канада, США, Германия, Россия, Австралия, Индия и другие широко применяя технические средства, обеспечивающие одновременно проводить несколько операции, внедряют технологию минимальной обработки почвы.

